



КАСБ ҲАЁТ УЧУН

Азимова Васи́ла Йигита́лиевна¹

¹ Андижон вилояти Олтинқўл туман тасарруфидаги 43-
умумтаълим мактаби

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5813621>

МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 20-Dekabr 2021
Ma'qullandi: 25-Dekabr 2021
Chop etildi: 30-Dekabr 2021

KALIT SO'ZLAR

Тадбиркорлик, бизнес,
касб, ислохат, пул,
бандлик.

ANNOTATSIYA

Бугунги куннинг ёшлари билимли, доно ва ақлли бўлмоғи шарт. Улар учун яратилган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланмоғи керак. Уларни касбга бўлган қизиқишларини ошириш, бирор бир касбнинг “мохир устаси” бўлишлари учун уларга касблар ҳақида кўпроқ тушунчалар бериш керак. Зеро улар бунга тайёр бўлмоғи шарт?. Бунинг учун уларни қизиқишларини ўрганмоқ, улар устида кўпроқ ишламоқ, бекорчи бўлиб қолмасликларини уқтириш даркор.

“Буюк кишилар шохсупани

Ўзлари қуришади ,

Хайкални эса келажак ясайди “

Инсон бу дунёга бир маротаба келади. Мана шу бир марталик умрни мазмунли ўтказиш инсоннинг ўз қўлида. Агар ҳар бир инсон берилган умрни нақадар ғаниматлигини тўлиқ билганда эди, ҳар бир ўтаётган дақиқани, сонияни қадрига етар эди.

Дунёда ҳаммани бирдек қийнаб келаётган муоммолардан бири бу ишсизликдир. Ҳаётда, ўз оиласида, дўстлар даврасида алоҳида ўрин топиш учун, кадр топиш учун “ишсизлик” олаmidан ўз номини ўчириши лозим . Бунинг учун албатта бирор касбга эга

бўлиш лозим. Дунёда касблар кўп, ҳар бирининг ўз шараф-шони ва машаққати бор, албатта. Агар инсон кучли чидамли, бардош ва сабрни ўзида топа олса албатта ўз касбининг мохир устаси бўлиши аниқ. Ҳар бир касбнинг ҳаётда ўз ўрни ва мавқеи бор.

Масалан касбчилик-агар поёбзал оёғимизда бўлмаса, кўчага чиқишимиз муоаммо, улар яратган бир жуфт маҳсулот бизни улкан орзулар йўлида толиқтирмай олиб боради. Ёки тикувчи-у яратган гўзал либослар бизни мамнун этади. Ошпаз тайёрлаган турли таомлар ўзи бир саънат. Дуродгор, қурувчи уста-ҳар бир қурилган бино, осмон ўпар иморатлар кўзни қувантиради . Барчаси бир бирига боғлиқ. Бугун талаб бошқача, бугун яшаш ўзгача. Бугун янги



Ўзбекистонда бир фарзандни тақдири “?” эмас, бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки янги Ўзбекистонни фидойи ёшлари ҳар томонлама етук, билимли, ақлли ва бахтли бўлмоғи шарт.

Бугун мактабни тамомлаб, ишсизлар сафида юрган ёки мактабни битиришга чоғланаётган ёшларга шундай дегим келади. “Вақтингизни даворга уриб ундан эшик пайдо қилишга сарфламанг”. Мен ҳозир бугунги кун учун керакли ажойиб касб бу – “бизнесмен” ҳақида фикр юритмоқчиман. Сизнинг касбингиз – Бизнесмен.

Бизнесмен- таҳлилда уйғунлиги, юқорилиги ва очиқ ҳақиқатларни шубҳага солишга мойинлигингиз сизни атрофдагилардан ажратиб туради. Сиз топқирсиз ва бу ҳаётда нимаики хохлашингизни ва бунга қандай эришиш кераклигини яхши биласиз сиз роҳатнинг фарқига борасиз ва сизга ўз эҳтиёжларингиз учун кўп пул керак. Одамларни ўз томонингизга оғдириб, уларни бошқара оласиз. Сизга тадбиркорлик, мененжерлик ва ҳаттоки реклама ҳам тўғри келади.

Бизнесмен учун ҳар дақиқа, ҳар бир сония ўзгача қадрли, ўтаётган дақиқанинг қадри қиммат эрур. Пулдан пул топиш учун тинмайди. Изланади, ҳаракат қилади. Тадбиркор ўз меҳнати эвазига фойда олади, бизнесмен эса ана ўша фойда устидан фойда олади. Бугунги кунда ёшлар учун барча имкониятлар эшиги очиқ. Мана шу имкониятлардан фойдаланиш ҳар бир ёш авлод учун ўта муҳим масала ҳисобланади.

Айтайлик, пулсизлик сизни қийнаётгани, оромингиз йўқолган сиз бу вазиятдан чиқиб кетиш учун бизнес билан шуғулландингиз. Бунинг учун аввало ўз худудингизда яшаётган аҳоли эҳтиёжини ўрганинг ва ана шу эҳтиёж ҳақида бош қотирилинг. Ҳар бир касбнинг ўз даҳоси бўлгани каби бизнеснинг ҳам ўз даҳолари бор. Масалан буюк бизнес даҳоларидан **Jon Rohfeller** ва **Tomas Edison, Bill Geyts, Bill Geyts 31** ёшида миллиардерга айланган у 15 ёшда 20000\$ни қўлга киритган. У АҚШда туғилган техникага қизиққан. У дўсти билан бирга компьютерларни турли дастурларни яратган 1975 йилда дўсти билан бирга MY CROSOOFD компаниясига асос солган

Мулоҳаза қилинг-а, бу бир ҳақиқат рўё эмас, сиз ҳам уларнинг сафидан жой олишингиз мумкин. Бунинг учун албатта ҳоҳиш ва бироз меҳнат уюқусизлик талаб этади холос.

Керакли бизнес ғояларни излаш ва уларни танлаш учун сиз қуйидаги асосий 4 та саволга жавоб беришингиз шарт бўлади.

1. Сизнинг бизнесингиз қандай маҳсулотни ишлаб чиқаради ёки қандай хизмат кўрсатишни амалга оширади.
2. Бу маҳсулотлар кимга сотилади ёки бу хизматлар кимга хизмат қилади.
3. Бу маҳсулотларни мижозларга қандай етказиб берасиз ёки уларга қандай хизмат кўрсатади.
4. Бу бизнес мижозларнинг қандай эҳтиёжларини қондиради.

Оддий мисол: Уйнинг токчасида гул тувак ёки салафан халтачага бодринг



уруғларидан солиб хона ҳароратида парваришланг. Бодиринг фойдали ва кам эътибор талаб қилувчи ўсимлик. Тўғри танланган нави, ҳаттоки бир квадрат метр жойда ҳам яхши ҳосил бериш мумкин. Сиз кам куч ва маблағ сарфланган ҳолда йилнинг ҳар қандай вақтида сотиш учун бодиринг етиштиришингиз мумкин. Сотилгани йўлга қўйиб олган ҳолда сиз барқарор даромад келтирувчи Харажатлари тез қопланувчи бизнесга эга бўлишингиз мумкин.

Ҳозир яшаётган худудингизда аҳолиси дорихонага, гўшт олиш учун қассобга, сартарошхона ва гўзаллик салонларига ва супер маркетларга йўл кира сарфлаб марказларга боришади. Сиз учун қулай имконият бисёр. Бизнесингизни бошланг ва ўзингиз ва оилангиз учун даромад манбаига эга бўлинг ёки, тикувчиликдан ҳар бирингиз бор, ўзингиз каби қўлида хунари бор, лекин ишсиз ўртоқларингизни тўплаб кичик тикувчилик фабрикаси очишингиз мумкин, буюртмачилар эса ўзлари кела бошлайди, яъни аҳоли ўз либосларини олиб келади, фермерлар пахта терими учун этак тиктиради, ўзингиз ҳам аҳоли эҳтиёжларини ўрганиб турли туман либослар тикиб бозорларни тўлдиришингиз мумкин. Бу билан сиз нафақат ўзингиз, балки “ишсиз” бўлиб қолган оилаларга ҳам қувонч олиб келасиз. Мамлакатимизда ишсизлар

сонини камайтиришга ўз ҳисангизни қўшасиз.

Ҳозирда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини кенг тарғиб этиш, тадбиркорларни қўллаб қувватлаш ишлари жадал амалга оширилмоқда. Ёшлар тадбиркорликни ривожлантиришда Президентимизнинг “Таълим муассасалари битирувчиларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги фармони ва “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги қарори муҳим ўрин тутаяди. Касбнинг катта - кичиги, ишнинг осон - қийини йўқ. Ҳар бир ишда қувонч билан бирга машаққатни енгсагина танлаган касбининг роҳатини кўради. Бундай инсонлар ҳеч қачон меҳнат бозорида йўқолмайди.

Мен ҳаётда олган ва унга қаттиқ амал қилувчи сабоқ шуки, “Уриниб кўришдан чарчаманг доим ҳаракатда бўлинг ва ҳеч қачон чекинманг”. Токи тирик экансиз ҳамisha иложи бор. Зеро, кимки ҳаёт ва эркинлик учун ҳар куни курашса, фақат угина ҳаёт ва эркинликка муносиб. Сўзимнинг Sitr Jobsнинг шу сўзлари билан яқунламоқчиман “Ҳоҳладингизми бажаринг, иккиланяпсизми қарор қабул қилинг. Лекин ҳеч қачон орзуни руёга айланишини кутиш билан вақт ўтказманг.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. И.А.Каримовнинг “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир”.
2. У.В.Ғофуров, Қ.Б.Шарипов “Тадбиркорлик асослари”.



3. Э.Сариқов ,Б.Хайдаров “Иқтисодий билим асослари”.